

Ўзбек мумтоз сўз санъати тарихида алоҳида ҳодиса бўлган Кўкон адабий муҳитининг вужудга келиши ҳамда ривож топишида Амир Умархоннинг ҳам хизмати катта бўлган. У Амирий таҳаллуси билан ўзбек ва форс-тожик тилларида бирдай маҳорат билан калам тебратган зуллисонан шoirдир.

Мумтоз адабий анъанада бўлгани каби унинг ижодида ҳам мажозий ва хақиқий ишк бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисига восита сифатида қаралади. Ишкни ҳаётнинг маъноси, ижоднинг илҳомчиси ҳисоблаган шoir кўплаб газалларида ўзини “ишк мулкининг амири”, “мулки дил амири”, “кўнгил тахти амири”, “жунун шаҳри амири”, “иклими вафо амири” сифатлари билан лутф этади.

Амирий девонидан жой олган лирик турнинг катор жанрларига оид намуналар образ ва образлилик билан зийнатланган. Уларда инсоннинг инсонга, табиатга, жамият ва илоҳиётга муносабати акс этади, шoir уларда асрлар давомида шаклланиб келган анъанавий образ ва бадиий тасвир воситаларига қайсидир жихатдан янгича маъно юклайди.

Хусусан, қуйидаги газални кўздан кечирганда унинг бошқа газаллардан зоҳиран унча катта фарққа эга эмаслигини кўриш мумкин. Аммо, ботинан шoir муқояса усулини кўллаш орқали ёр жамоли, унинг малохатини ўта серзавқ, таъсирчан байтлар мазмунига сингдиради:

Мениким мастлигдин кўзларинг ўлтурди, соғ ўлсун,

Кўзум сарчашмаси ул икки охуга булог ўлсун. (Амирий. Девон. ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. -№642. -149а варақ. Бундан кейин ушбу манбадан газал олинганда, шартли равишда Т деб ва кўконлик адабиёт ихлосманди С.Йўлдошев шахсий кутубхонасидаги девондан газал олинганда эса, С деб, саҳифаси кавс ичида кўрсатилади.)

Байт марказида маъшуканинг кўзини васф этиш турибди. Маъшуканинг кўзи ҳумор бўлмаганида, ошиқнинг кўзи булок бўлмас эди. Натижада, иккинчи мисрадаги “оху” ташбеҳи ошиқнинг кўзёш тўқиш ҳолати билан бириқиб, маъшуқа кўзининг гўзал тасвири берилган. Мастона кўзларнинг нигоҳи ошиқни ўлдиргандай бўлди. Барибир, улар соғ бўлсинлар, дейди ошиқ. Икки оху эса ёрнинг ўша икки кўзи. Кўзёшини тинимсиз тўқаётган ошиқнинг кўзлари эса ўша икки оху сув ичадиган булок қабидир. Шoir бу ерда сарчашма сўзини жуда ўринли ишлатган. Чунки у ҳам булок маъносини беради. (“Кўзум сарчашмаси”.)

Иккинчи байтнинг мазмуни эса бундай: “Ширин лабингдан озгина уятчанлик билан қулиб қўйгин. Ўшанда шақарханд қилгандай бўлади. Ундан эса гулгунча бедимоғ бўлади (чунки унинг ўша лаб табассумдаги гўзаллигига раҳки келади). Шoir лабни гунчага ўхшатиш баробарида, ташҳис санъати асосида, лабнинг ширинлигидан хижолат бўлиб, гунчанинг латиф хидидан маҳрум бўлганлигини маҳорат билан тасвирлайди:

Табассум зоҳир эт, ширин лабингдин инфиол айлаб,

Шақарханд айласун, гулгунча андин бедимоғ ўлсун. (Т. -149а.)

Лабдан кейин тиш тасвири келади. Бунда ёр тишларининг гўзаллигига ургу бериш билан бирга, гавхардек тишларнинг гўзаллигидан мутаассир бўлган ошиқнинг ҳолати ҳам кўрсатилади:

Кўзум то кўрди гавхардек тишингни лаъли ноб ичра,

Ажаб эрмас сиришқимдинки, дурри шабчирог ўлсун. (Т. -149а.)

Байтда тиш кизил лаъл ичидаги гавхарга ўхшатилади. Уни кўрган кўз ёш тўкади. Бу ёшлар шабчирогнинг дури кабидир. Агар “дурри шабчирог” бирикмаси маъшука тишининг нур сочувчилик хусусиятига ишора килса, навбатдаги байтда тасвир доираси янада кенгайтирилади:

Сени гавхар тишингни васфини дарёга арз айлай,
Садаф они эшитмокга саропо бир кулог ўлсун. (Т. -149а.)

Тишни дур (гавхар, инжу, марварид)га ўхшатиш – анъанавий ташбех. Лекин садафга жон ато этиш – ташхис санъатидан фойдаланиб, маъшука гўзаллигига ургу бериш катта махоратни такозо этади.

Юз ва гулшан – доимий хамрох образлар. Амирий газалида гул ўзининг ёр юзи, чиройи олдидаги нотавонлигидан ёкасини чок-чок этиб, фарёд кўтаради. Байтнинг бадийи курилишидан шоирнинг ташхис санъатига ниҳоятда эътибор бераётганлигининг яна бир исботини топиш мумкин. Яна ҳам тўғрироги, бу газал тўлалигича ташхис санъати асосига курилган. Чунки байтнинг иккинчи мисрасида махбуба юзидаги холни кўрса, аламдан лоланинг кўксидаги доги устига дог кўшилади:

Юзинг гулшанда очким, гул ёкасин чок-чок этсун,
Каро холингни кўрсат, лола дог устида дог ўлсун. (Т. -149а.)

Куйидаги байт ҳам анъанавий тасвирий воситалар замирига курилган. Ошик энди ташбех сифатида ишланувчи ташки воситалардан ўз жисми майдонида мавжуд маъшукага алоқадор воситалар тасвирига ўтади. Кўнгулнинг ёр сочига тарог бўлиши – азалий ташбех. Лекин, бу ўринда, Амирий янада янгича йўл туттади, байт мазмунига халкона рух беради. Машшота мумтоз адабиётда анчайин кенг қўлланган образ. Машшота – киз ва келинларнинг сочларини тараб, оро берувчи, безантирувчи пардозчи хотин. Демак, лирик кахрамоннинг паришонлиги, шу пардозчи аёл кўлидан-да рашк килиши, табиий бир вазиятни юзага келтирадигим, натижада, ёр сочига кўнгулнинг тарок бўлиши хаётий манзарани хосил килади:

Паришонхолмен машшота илги рашкидин хар дам,
Ани сочига, ё Раб, хаста кўнглумдан тарог ўлсу.н (Т. -149а.)

Кейинги байтда аввалги фикр давом эттирилади. Лирик кахрамон маъшука холига гирифтор бўлибдими, сочининг шу сайд (овчи – ошик) учун тузук бўлиши тасвирга янада жонлилик бахш этади:

Менингдек ким дамодам донаи холингни майл айлар,
Кўнгул сайдига, ё Раб, халкаи зулфунг тузог ўлсун. (Т. -149а.)

Мақтаъда бу фикрлар ўз якунини топади. Ёр гулшани теварагида мафтуну махлиё бўлиб учиб юрган кўнгул кушлари бу гулшаннинг ягона, бекиёс гулзорига шайдо. Бу кушлар – амирми, подшоҳми, булбулми, зогми – ахамиятли эмас. Мухими, маъшука – тенги йўк гўзал:

Бу гулшан кушлари гулзори рухсорингни шайдоси,
Амиру ё гадодир, хох булбул, хохи зог ўлсун. (Т. -149а.)

Девонда бу каби тавсифий газаллар анчагина. Улар анъанавий характерда бўлса ҳам, шоир махоратини белгиловчи ахамиятга эгаллиги жихатидан ажралиб туради.

Амирий лирикасини инсон характерининг ўзига хос ифодаси дейиш мумкин. Негаки, шоир маъшукани куйлайдими, унинг жабру ситамларидан эзилган, кўнгул кечинмаларини бадийи талкин этадими, маъшукадан мархамат кутган, унинг тараххум килишини истаган ошикнинг холатини кўрсатадими, булардан катъи назар, барчасида кўнгул мулкини тахлил килади.

“Ошикмен – ишк ўтида багрим кабобдур” мисраси билан бошланадиган газал бу жихатдан диккатга сазовордир. Газал матлаъсиданок бепарво маъшука дардида парвонадек куйган хакикий ошик холати аник намоён бўлади. Ошиклик – ишкпарастлик. Ишкпарастлик эса мажнунлик сари етаклайди. Мажнуннинг эса ишк ўтида багри кабоб, ёрининг жамолидин бир лахза бенасиб бўлиб колса, холи хароб бўлиши аник:

Ошикмен – ишк ўтида багрим кабобдур,

Бир лахза кўрмасам ани холим харобдур. (С. — 38б.)

Мана шу сабабга кўра, ошик ёрдан айрилишни ўзи учун фожиа, деб билади. Фирокнинг ошик рухиятини тарбиялаш, унинг камолотини таъминлашдаги ўрни аллақачон ўз исботини топган. Бинобарин: “Айрилса ёр мендин, ўларман фирокида”, деб нола чеккан ошик: “Жоним гамида ташнау коним шаробдур”, дея маъшукани огохлантиради. Агарчи маъшука ўзидаги “хунрезлик”ни ташламаса, ошик рухи такомилдан нарига ўтиб, йўклик сари юз тутиши табиий. Мана шу илинж билан ошик илтижо килади. Байтдаги “савоб” сўзи инсон кавмигагина хос.

Ишк ўти тушти жонима харгиз илож йўк,

Холимга рахм айласангизлар савобдур. (С. — 39а.)

Мазкур газал бошдан-охир ёрга мурожаат рухида ёзилган. Амирий хижрон домига ташланган ошик тортаётган азоб-укубатларни, у кечираётган мураккаб туйгу-кечинмаларни, гўзал маъшука томон талпиниши ҳамда висолдан умидворлигини катор бадий тасвир воситалари оркали жуда таъсирчан ифодалаган. Айникса, маъшука жабр-зулмидан ошикнинг тонг отгунча уйкусиз – бедор бўлиши, оху нолалар чекиши каби холатлар деярли барча шоирларда учрайди. Бундай холатлар тасвири серкирра: бир томондан, вафода собит ошикнинг туну кун ёр хаёли билан яшаши, иккинчи томондан, маъшуканинг бепарво холати. Учинчи томондан эса, инсон рухиятидаги курашлар, уларнинг кучли ва заиф томонлари намоён бўлади. Шоир буларни тушунарли тасвирлар оркали баён этади:

Дардимни чорасини килинг, бекарорман,

Тонг откунча ишим кечалар печутобдур.

Багрим эзилди, куйди таним, кетди токатим,

Бечора хаста жонима кандок азобдур. (С. – 39 а.)

Шу сабабли маъшука инсофга чакирилади. Ракиблар сўзига кириб, турфа азоблар гирдобига ошикни улоктириш маъшукага хос бўлса-да, барибир, унинг тараххум айлаши зарурлигига илтижо бор, умид бор: кунлар келадиким, маъшука ҳам ўз хатоларини англаб етади, ошик холатини, садокатини тушуниб, ундан ўз меҳр-мурувватини дариг тутмайди:

Бехуда эл сўзига кириб, ковлама мени,

Бу жонсипор банда эшикингда бобдур. (С. — 39а.)

Кейинги байт газалнинг шохбайти сифатида кўзга ташланади. Ошик чеккан дард-ситамлар, унинг унсиз фарёдлари ҳамда ошик ва маъшука ўртасидаги мураккаб муносабатлар мохиятини бир-икки сўз билан баён этиб бўлмайди. Уни тушуниш учун кенг идрок этиш зарур:

Окилга бир ишорат эрур – кисса мухтасар,

Фахм айлаган кишига бу сўз бир китобдур. (С. — 39а.)

Газал мактаъсида шоир бу байтларни “хусн дафтарида интихоб” килингани, яъни, танлангани, тўғрироғи, тақдир этилган маъшукадан шикоят эканлигига яна бир қарра ишорат қилади. Аммо, бу шикоят ўта меҳрибонлик, ўта одамийлик катига ўраб берилади ва бутун дард ахли (ошиқлар, маъшукалар) кўнгул сирларини очик баён эта олади:

Нечун қошига боғламайин кўнглуми, Амир,

Бу байт хусн дафтарида интихобдур. (С. – 39а.)

Маъшука жамоли таърифи қадимдан газал жанрининг асосий хусусияти бўлиб келган. Воқеан, газал истилохининг ўзи ҳам арабчада аёлни мадх этиш, унга ошиқона муносабатда бўлиш маъносини билдиради. Газал, дастлаб, ишқий мавзуда ёзилган бўлса ҳам, кейинчалик, унинг тематик доираси кенгая борди. Маъшука тимсолида гўзал инсон сиймоси жилованса-да, ҳар бир ижтимоий образни турфа рангларда янгича сайқал топтиришга интилади.

Жумладан, Амирий газалларида маъшуканинг суратини тасвирлашда муволафат усулидан кенг фойдаланилади. Қуёш – маъшуканинг жамоли, унинг олдида ошиқ гўё бир заррага айланиб қолади:

Менки ул рухсори нурафзои ошиқ бўлмишам,

Зарра янглиғ бир қуёшсыймои ошиқ бўлмишам. (С. — 98а.)

Амирий маъшука жамолини тасвирлашда янги, халқона ташбеҳларни қўллайдики, улар маъшукани реал ҳаётга анчайин яқинлаштиради. Уларда беором қалбнинг бани башаргагина ҳос талпинишларига, олижаноб рухнинг бетакрор манзараларига дуч келамиз:

То қадам кўйдум тариқи фақра ишқ ичра Амир,

Мулки оламда ўзумдек бир қаландар кўрмадим. (С. – 128б.)

Байтда ботиний (илохий) ишқ ҳақида гап бораётганини истилоҳ ва сўзлардан илғаб олиш мумкин. Тасаввуф истилоҳига кўра, фақирлик – биз тушунган маънодаги қамбағаллик, бечоралик эмас, балки Оллоҳ олдидаги гариблик, ожизликдир. Ушбу қарашга кўра, “фақир шундай кишики, у фақат Ҳақ маърифатига етишга муҳтож бўлади, ҳолос”. Фақр эса тариқатнинг тўртинчи мақоми бўлиб, “тарқи дунё қилиб, ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир”. Айни пайтда, “шу мартабада қомиллик рутбасини қозониш ҳам”.

Бу ўринда, Амирий мажозий муҳаббатни қуйлаганими ё ҳақиқий ишқини деган саволни қўйиш ортиқча. Чунки анъаналар йўлидан борган шоир салафлари қаби дунёвий ишқ лаззатларидан сўз айтиш баробарида, кўнгул маърифати, банданинг ягона меҳварга интилишлари, инсоний қомиллик ҳақида ҳам сўзлашмаслиги мумкин эмас эди.